



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

Римбоев Иброҳим Шухрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-april 2023 yil
Ma'qullandi: 24-april 2023 yil
Nashr qilindi: 27-april 2023 yil

KEY WORDS

хуқуқбузарлик, профилактика,
хуқуқшунос, принцип, субъект
таъсифи, одам савдоси,
тартиб, фуқаро хуқуқи,
эркинлик, қонуний манфаат.

ABSTRACT

*Мазкур мақолада биз хуқуқбузарликлар
профилактикасида олиб борилаётган ислохотлар
таҳлилини амалга оширамиз ва мулоҳазаларимизни
баён қиламиз.*

Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг бугунги босқичида ушбу йўналишдаги фаолиятнинг хуқуқий базасини такомиллаштириш, замон талабларига мослаш ва устувор вазифаларни белгилаб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги хуқуқий асосларнинг мавжуд бўшлиғини тўлдириб, хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий тартиб қоидаларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишларни тўғри ташкил этилишини таъминлаш билан бир қаторда унинг сифатини ошириш ҳамда назорат қилиш механизмини яратиб берди. Бугунги кунда хуқуқбузарликлар профилактикасини хуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш, уларга замон талабидан келиб чиқиб қўшимча ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида «Жаҳолатга қарши маърифат» эзгу ғояси асосида ҳар бир маҳалла кесимида диний-экстремистик хусусиятга эга бўлган хуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва бартараф этишга, биринчи навбатда, экстремистик оқим мафкуриси таъсири остига тушиб қолган шахсларни тузатишга алоҳида эътибор

қаратиш каби устувор йўналишлари ижросини таъминлашда профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида фаолиятини ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Давлат, унинг тегишли органлари жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун, энг муҳими, инсоннинг муқаддас ҳуқуқи – яшаш ҳуқуқини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш учун ташкил этилгани шубҳасиз.

«Жиноятларнинг профилактикаси» тушунчасининг ўзагини «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» тушунчаси ташкил қилади. «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» тушунчасининг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида батафсил тўхталиб ўтилган. Унга асосан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни ҳисобланган Конституциянинг кўпгина моддалари ҳам бевосита профилактик хусусиятга эга бўлиб, фуқароларнинг жамиятдаги умуминсоний, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар ҳамда қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилганлигида кўринади. Ҳозирги кунда ички ишлар органлари профилактика хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тартибга солувчи айрим қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар юридик кучи ва мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Биз қуйида профилактика хизматлари фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Адабиётлар:

1. "Huquqbuzarliklar profilaktikasi to'g'risida"gi Qonun // 2014
2. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay'atining kengaytirilgan yig'ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi // 2021
3. Арипова, А. Х. (2021). Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. Scientific progress, 1(6).